



Ислом Нури

Такдирнинг тақозоси ила мусулмон бир йигит, Узок Шаркнинг Сахалин ўлкаларида камок жазосини ўтарди...

Шароит огир, совук, унинг устига санаторий эмас бу ер... Лекин йигит такводор, Аллохдан кўрккан инсон эди ва намоз банда зиммасида то ўлимгача эканини яхши биларди.

“Шунингдек), то Сизга аниқ нарса (яъни, ўлим соати) келгунича Парвардигорингизга ибодат килинг!” (Хижр,99).

Шунинг учун кийин шароитга карамасдан, намозни ўз вақтида адо этишга тиришарди. Уни тоат-ибодатда собитлигини кўрган атрофидаги кўринишлари инсон, калблари эса хайвон сифат бўлганлар унинг бу ибодатини хуш кўришмасди. Унга намоз ўқитмасликка ҳаракат килишарди. Намоз ўқиётган пайтида келиб қолишса, устидан мазах килиб кулишар, турткилаб ўтишарди. Бўлаётган каршилиқларга карамай, йигит ибодатни тарк этмас, Аллохга итоатни кийин кўрмасди. Лекин бу худосизларнинг унга сари баттар жазавалари кўзир, душманликлари янада ортарди. Кундан-кунга уни хўрлашлар, кийнашлар ортиб борарди.

“Сиз Парвардигорингизни ҳукмига (яъни, мушрикларни дархол азобга дучор қилинмаганига ва Сизни турли машаккатли синовлар билан имтиҳон қилишига) сабр қилинг. Зотан, Сиз шак-шубҳасиз, Бизнинг кўз ўнгимизда (яъни, хифзу-химоямизда) дирсиз” (Тур,48).

Иш шу даражага бориб етдики, кунлардан бири, бир нечта ноқаслар уни биргина ички кийимда, ташқарида, Сибирнинг аёзли аччиқ совуги билан юзма-юз қолдиришди. “Кани сени Аллохинг бўлса, сени бир саклаб олсин-чи!!!»



Ислom Нури

Изгирин совук, деярли кийимсиз, очик хавода...Олдинда хали янада совуги кучаядиган каро тун...Ўлим билан яккама-якка....

Тонг отди....

Эрталаб камокхона бўйлаб бир хабар яшин тезлигида таркалди....Нима эмиш, «Кечаси, кўрикчиликда турган икки аскар, совукдан котиб ўлиб колибди...” Унинг кетидан сал ўтиб, яна бир хабар аввалгисидан тезрок таркалди. “Тонгда бир махбус биттагина ички кийимда камокхона маъмуриятига кириб келибди...”

Субханаллох!!!

Энди келинлар, тунда нима воқеа бўлганини йигитнинг ўзи хикоя килиб берсин:

“... Шу алфозда, биргина кийимда хайдаб чикаришди. Хар кандай калин кийимда хам дош бериш махол бўлган совук. У ёкка юрдим, бу ёкка юрдим, хеч кандай панох топулик ўрин йўк... Нажотдан умидим узилиб, охири такдирга тан бердим. Сўнгги имконим, Роббимга дуо кила бошладим...

“Эй Роббим! Берган умрингга розиман. Мендан рози бўлгин... Мендан ўтган камчиликларимни, гуноху-хатоларимни магфират этгин. Жонимни мусулмон холимда, иймон калимаси ила олгин, Ўзингни рахматинг ила буркагин.....”

Совук борган сари танимни чулгай бошлади...Титрай бошладим.... Аъзоим баданим какшарди...Тилим дуо килишга хам айланмай колди....Ўлимимни кута бошладим.... Кўзларим аста-секин юмила бошлади...



Ислон Нури

Бир вақт танимга бир нарса текканини хис қилдим... Нима экан??!
Жунли бир нарса....Кўзимни минг уриниб, аранг очиб қарадим...

Қатқон қутб айиги.... Улкан, бахайбат, ваҷоҳатли.. Энди менга ташланади, танамни бурдалай бошлайди дея, кимирлашдан ҳам ожиз холимда ётибман.... Лекин, неғадир айиқ шошилмасди.... Бир вақт махлук аста-секин мени ўз қучогига олди... Танамни айиқнинг иссиқ танаси кўрпа мисол ёпиб олди.... Баданимда иссиқ хароратни хис қила бошладим... Бир неча соатдан бери давом этиб қелаётган совуқнинг аламидан сўнг, озгина халоватни хис қилиб, кўзим секин уйқуга кетди....

Кўзимни очсам, ҳамма ёк ёп-ёруг, тонг отган, ёлғиз ўзим яланглиқда ётибман. Оқ айиқ эса гойиб бўлганди...”

Вадуд Ахмад